

Оман МУСАЕВ,
Ўзбекистон халқар ислом
академияси катта ўқитувчиси,

Шокирхон РУСТАМХЎЖАЕВ,
Халқаро Бобур мукофоти соҳиби.

“БОБУРНОМА”ДА ОЯТЛАР ИҚТИБОСИ

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз даврининг баркамол фарзанди ва қомусий билимга эга бўлган шахсдир. Унинг “Бобурнома” асари ўша даврдаги бир қатор фанлар – география, наботот, ҳайвонот, этнография, ҳарбий усул ва бошқаларнинг илмий ютуқларини баён этувчи қомусий асар ҳисобланади.

“Бобурнома”да ана шундай хилма-хил маълумотлар шу даражада бисёрки, илм-фаннинг деярли барча соҳаларидаги мутахассислар бу асардан баҳраманд бўла олади. Ўзининг ана шу фазилатлари билан “Бобурнома” узоқ замонлардан бери бутун дунёда кўплаб соҳа олимларининг диққат-эътиборини жалб қилиб келди ва улар томонидан юксак баҳоланиб, деярли барча чет тилларига ўгирилган ва мунтазам нашр қилиниб келмоқда.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур шахсияти ҳақида ҳам унинг замондошлари ёзиб қолдирган ёдгорликлардан, унинг ўзи шахсан қолдириб кетган асарлари орқали етарлича маълумотларни билиб олиш мумкин.

Имомнинг, раҳбарнинг, подшоҳнинг ўзи шахсан ислом ақидаларига итоат қилиб, ўзига тобе халқни шариат йўл-йўриқлари билан бошқариши ҳам буюк ибодат турларидан ҳисобланади.

Тарихдан маълумки, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг падари бузруквори Умаршайх ва бобоси Султон Абу Саъийд ибн Султон Муҳаммад ибн Мироншоҳ ибн Амир Темур Кўрагонларгача бўлган барча аждодлари тақволи муслимлардан бўлган¹.

Тарихчиларнинг шохидлик беришича, Амир Темур ўз юришларида чодирдан ясалган масжид-намозгоҳни доим ўзи би-

¹ Умаршайх Мирзо: “Ҳанафий мазҳаблик, покиза эътиқодлик киши эди, беш вақт намозни тарқ қилмас эди, умрий қазоларини тамом қилиб эди, аксар Қуръони карим тиловат қилур эди. Ҳазрат Убайдуллоға иродати бор эди, суҳбатлариға бисёр мушарраф бўлуб эди. Ҳазрат Хожа ҳам фарзанд деб эрдилар.

Равон саводи бор эди. “Ҳамсатайн” ва маснавий китобларни ва тарихларни ўқуб эди. Аксар “Шоҳнома” ўқур эди. Таъби назми бор эди, вале шеърға парво қилмас эди.

Адолати бу мартабада эдики, Хитой қарвони келадурганда, Андижоннинг шарқий тарафидаги тоғларнинг тубида минг ўйлуқ қарвонни андоғ қор бостиким, икки киши қутулди. Хабар топиб муҳассиллар йибориб, қарвоннинг жамиъ жиҳотини забт қилди. Ҳар чандким вориси ҳозир йўқ эрди, бовужуди эҳтиёж сахлаб, бир-икки йилдин сўнгра Самарқанд ва Хуросондин ворисларини тилаб келтуруб, молларини солим топшурди.

Бисёр саховати бор эрди. Хулқи дағи саховатича бор эрди, хушхулқ ва ҳарроф ва фасиҳ ва ширин забон киши эрди, шужоъ ва мардона киши эрди”.

Амир Темур Кўрагон: “... давлат ва салтанатимга боғлаган менинг биринчи тузугим – Тангри таолонинг дини ва Муҳаммад мустафонинг шариятига дунёда ривож бердим. Ҳар ерда ва ҳар вақт Исломи динини қувватладим”.

лан бирга олиб юрган ва қай ерда тўхтама-син, энг аввал ўша чодирни ўрнатиб фарз ва нафл ибодатларини адо этишни одат қилган.

Буни қарангки, ояти карима кўрсатмасига биноан Аллоҳ субҳонаҳу ва таолога суяниб, Унинг Ўзига таваккул қилиб қатъият билан амал қилган ва кўп сонли душман устидан буюк ғалабани қўлга киритган катта бобоси Амир Темури тузукларидан яхши таълим олган² Бобуршоҳ ҳам 913 /1507 – 1508 йили Қандаҳор учун жангда муҳим ғалабани қўлга киритади ва ўз лашкарларидан бир неча бор кўп душман устидан ғолиб келади... Дарвоқе, бобурийлар сулоласидан бўлган Шохғариб Мирзо Ғарибий ҳам боболари каби Қуръони мажиддан фол очганини мана бундай баён этади: «*Чун мени бадҳол Мусҳаф оч-*

² Соҳибқирон Амир Темури Қуръони каримни ҳам мунтазам тиловат қилиб юришга одат қилган. Маълум бир қарорга келишдан аввал Қуръонга мурожаат қилиб, Аллоҳнинг каломидан фол очган. Исломи динида тош, карта ва чўплар билан фол очиш ҳаром ва ман қилинган, аммо муқаддас Каломи шарифдан фойдаланиб фол очган улуғлар ўтмишда кўп бўлганлар. «...бирон ишни қилмоқчи бўлсам, кенгашиб олгач, кейин Қуръондан фол очардим ва Қуръон ҳукми билан иш қилур эрдим. Туғлуқ-Темурхон олдиға боришдан аввал Қуръондан варақ очсам, «Сурайи Юсуф алайҳиссалом» чиқди ва Қуръони мажид ҳукмига амал қилдим».

Яна бошқа жойда: «Қуръони мажиддан фол очсам, ушбу қутлуғ оят чиқди: *إِنَّا جَعَلْنَاكَ خَلِيفَةً فِي الْأَرْضِ*» (‘Инно жаъалнока халийфатан фил-’арз) – 26. .. Биз сени Ерда халифа қилдик. Мен бунни истиқболнинг хайрлик ва муборак фоллар сарасига киритдим ва ўзларини давлат шериги билиб, менга бўйсунини истамаган амирларни турли тadbирлар ишлатиб, ўзимга итоат эттириш учун бир неча бор кенгаш ўтказдим».

Яна бошқа бир жойда: “Илёсхожага қарши жангга ҳозирлик кўра бошладим. Уни дафъ этиш ва қай йўсинда уруш олиб боришим ҳақида қилган кенгашим шул бўлдики... бу хусусда Қуръони мажиддан фол очиб қарасам, ушбу ояти карима (улуғ) чиқди: *كَمْ مِنْ فِئَةٍ قَلِيلَةٍ غَلَبَتْ فِئَةً كَثِيرَةً*» (.. Кам мин фи’атин қалийлатин ғалабат фи’атан касийратан би-’изниллоҳи) – 249. ..“Қанчадан-қанча кичкина гуруҳлар Аллоҳнинг изни билан катта гуруҳлар устидан ғалаба қилган. ...”.

Ушбу башоратни тоғанимдан кейин лашкарларимни тартибга келтириб, уни етти фавжга бўлиб, йўлга тушдим”.

Натижада, кўрилган ҳарбий чора-tadbирлар туфайли Амир Темури ўзининг кам сонли лашкарлари билан Илёсхожанинг қарийб ўттиз минглик лашкарлари устига тўсатдан ҳужум қилиб, унинг лашкарларини синдиради.

*сам ул юз ҳажрида, Не ажаб, гар чиқса Юсуф сураси, фолим менинг»*³.

Аллоҳ таолога шукроналар бўлсинки, истиқлол аждодларимиз меросига, хусусан, Бобур шахсияти ва меросига турғунлик даври талабларига зид ўлароқ, тўғри, ҳаққоний муносабатда бўлишга йўл очиб берди.

«Бобурнома»да Қуръони карим оятлари ва арабий истилоҳлар, асосан, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг хижрий 933 йил воқеаларидан жой олган икки машҳур фармонида кўпроқ учрайди. Фармонлар ўша давр адабий тили ҳисобланган форс тилида «*Шайх Зайннинг ишоси била битилган*»⁴ бўлиб, уларда Қуръони каримнинг 18 сурасидан 37 ояти карималари форсий жумлалар орасида ширу-шакар тарзида етук балoғат билан иншо этилган. Фармонларни мутолаа қилган киши уларни нақадар етук маҳорат билан иншо қилган Шайх Зайниддин Хавофийнинг ўз давридаги етук уламоларидан бўлиб, Қуръони карим, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сийратлари, ҳадис, фикҳ илми ва ҳарбий санъатдан жуда яхши хабардор бўлгани ҳамда араб ва форс тилларини мукаммал эгаллаган аллома эканига амин бўлади.

³ Шохғариб Мирзо Ғарибий. Девон. Нашрга тайёрловчи Шафика Ёркин. Т.: Шарқ.: 2001. 46-б.

⁴ 1). «Юлдузча»: 287, 290-б.; 2) Бобур, З.М. Бобурнома. Нашрга тайёрловчилар: Порсо Шамсиев, Содик Мирзаев. В. Зоҳидовнинг сўзбошиси ва таҳрири билан. Тошкент: Ўзбекистон Фанлар академияси нашриёти, 1960. 383, 387-б. *Кейинги ўринларда*: «Фан»; 3) Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бобурнома (Таҳрир хайъати: Абдуғафур Абдурашидов, Бобур Алимов ва бошқ.) Порсо Шамсиев, Содик Мирзаев ва Эйжи Мано (Япония) нашрлари асосида қайта нашрга тайёрловчи: Саидбек Ҳасанов, масъул муҳаррир Ваҳоб Раҳмонов. Т.: Шарқ, 2002, 336 б. (312б, 316а). *Кейинги ўринларда*: «Шарқ».

«Бобурнома»да Қуръони каримдан қуйидаги оятлар иқтибос қилинган:

1. سورة البقرة “Бақара” с. (2:5, 34, 127, 181, 249) – 5 оят.
2. سورة آل عمران “Оли-Имрон” с. (3:21, 26, 126, 139, 160) – 5 оят.
3. سورة النساء “Нисо” с. (4:95, 145, 172) – 3 оят.
4. سورة المائدة “Моида” с. (5:90) – 1 оят.
5. سورة الأعراف “Аъроф” с. (7:23) (такроран), (7:143) – 2 оят.
6. سورة التوبة “Тавба” с. (9:52 ва 9:73) (такр.) – 2 оят.
7. سورة يوسف “Юсуф” с. (12:53) – 1 оят.
8. سورة إبراهيم “Иброҳим” с. (14:28, 29) – 2 оят.
9. سورة الإسراء “Ал-Исро” с. (17:46) – 1 оят.
10. سورة النور “Нур” с. (24:40) – 1 оят.
11. سورة الفرقان “Фурқон” с. (25:29) – 1 оят.
12. سورة العنكبوت “Анкабут” с. (29:6) – 1 оят.
13. سورة الأحزاب “Аҳзоб” с. (33:38) (такр.) – 1 оят.
14. سورة الصفات “Вас-Сафот” с. (37:8) – 1 оят.
15. سورة ص “С o d” с. (38:69) – 1 оят.
16. سورة الأحقاف “Аҳқоф” с. (46:15) – 1 оят.
17. سورة الفتح “Фатҳ” с. (48:1(такр.), (48:3, 10) – 3 оят.
18. سورة الحديد “Ҳадийд” с. (57:16, 21) – 1 оят.
19. سورة الصف “С a ф” с. (61:4, 13) – 2 оят.
20. سورة التحريم “Таҳрийм” с. (66:8) (такр.), (66:9) – 1 оят.
21. سورة عبس “Абаса” с. (80:42) – 1 оят.

22. سورة القارعة “Ал-Қориъа” с. (101:4, 5, 6, 7) – 4 оят.

23. سورة الفيل “Фийл” с. (105:1) – 1 оят.

Жами 42 оят бўлиб, шулардан 5 та оят такроран келади.

Бундан ташқари, «Бобурнома»да (طه) “Тоҳа” ва (يس) “Ёсин” суралари тилга оли-
нади ҳамда (الفاتحة) “Фотиҳа” ва (الإخلاص) “Ихлос” сураларини бир дақиқа фурсатда неча марта ўқиш мумкин экани мисоллар билан ифода этилган⁵.

Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло доимо Қуръони каримни Ўз ҳифзу ҳимоясига олиб келган. Бу тўғрисида Ўзининг қуйидаги ояти каримасида бундай марҳамат қилади⁶:

إِنَّا نَحْنُ نَزَّلْنَا الذِّكْرَ وَإِنَّا لَهُ لَحَافِظُونَ

«Албатта, бу Эслатмани (яъни, Қуръонни) Биз Ўзимиз нозил қилдик ва шубҳасиз, Ўзимиз уни Сақлагувчимиз»⁷.

Қуръони карим оятлари «Бобурнома»да, асосан, юқорида зикр этилган икки фармонда учрайди. Бу фармонлар шартли равишда «Тавба» ва «Фатҳнома» фармонлари деб аталади.

«Тавба» ва «Фатҳнома» фармонлари форс тилида битилган бўлиб, орада Қуръони карим оятлари арабий лафзда аралашган ҳолда, кирилл ҳарфлари билан транскрипцияда қўштирноқ ичида келади. Китобнинг охирида эса мазкур фармон «форсча текстининг таржимаси» – «Таржималар» рукни остида эркин таржимада яна қўштирноқ ичида бериб борилган. Аммо уларнинг Қуръони карим оятлари

⁵ Юқоридаги манбалар, 265-б.

⁶ Қуръони карим: (15:9) “Ҳижр” сураси, 9-ояти карима.

⁷ Қуръони карим, ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. Бишкек, Қуръони каримни ўрганиш илмий маркази, 2001, 767 б. – Б. 290. Кейинги ўринларда: Ал-Мансур.

эканига ҳеч қандай изоҳ ёки ишора берилмаган. Баъзи ояти карималардаги айрим иборалар эса, қўштирноқ ичига олинмаганига кўра, айтиш мумкинки, оддий арабча ибора ҳис этиб, уларни Қуръони каримдан экани пайқалмаган бўлса керак.

«Бобурнома»нинг русча нашрида эса, матн бир йўла рус тилига ўтирилган ва одатда, бу оятлар қўштирноқ ичида берилиб, Қуръони каримнинг қайси сура ва оятидан экани, ёки Қуръони карим оятидан эмаслиги китоб охирида «Примечания» – «Изоҳлар» рукни остида кўрсатиб борилган.

Ўрта аср Шарқ адабиётида алоҳида ўрин тутган забардаст сиймолардан бири Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам замонамиз олимлари томонидан «Буюк қомусий асар»⁸, «Йирик маънавий бойлик»⁹ деб баҳоланган «Бобурнома» муқаддимасини *بسم الله الرحمن الرحيم* (Бисмиллоҳир-раҳмонир-раҳийм) билан бошлаган. Ундан сўнг, одатга кўра, анъанавий ҳамду санони ҳам «...ифода этиш услуби ўзгача: содда, самимий, тўғри, дадил, мардона, ўзига хос ва Бобурга мос» қилиб ҳамду сано ва славотларни Фарғона тахтига ўтириш онларидан бошлайди: «**Тенгри таъолонинг инояти билан ва ҳазрати он Сарвари коинотнинг шафоати билан ва чаҳорёри босафоларнинг ҳиммати бирлан сешанба куни, рамазон ойининг бешида, тарих секкиз юз тўқсон тўққузда Фарғона вилоятида ўн икки ёшта подшоҳ бўлдум**»¹⁰.

Ҳамд ва санонинг шарҳи: «**Тенгри таъоло**»дан мурод – Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло; «**Ҳазрати он Сарвари коинот**»

– Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам; «**Чаҳорёри босафолар**» – тўрт хулафои рошидийн – Абу Бакр, Умар, Усмон ва Алий (розияллоҳу таоло анҳум)дир.

Демак, мазкур ҳамду сано ва славотлар шарҳини ифода этсак, қуйидагича бўлади: «**Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг инояти билан, Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламнинг шафоати билан, тўрт хулафои рошидийн – Абу Бакр, Умар, Усмон ва Алий (розияллоҳу таоло анҳум)нинг ҳимматлари бирлан сешанба куни, рамазон ойининг бешида, тарих секкиз юз тўқсон тўққузда Фарғона вилоятида ўн икки ёшта подшоҳ бўлдум**».

Аммо русча нашри муқаддимасида «Басмала»дан кейин...(ги ҳамду сано тушириб қолдирилган)... «В месяце рамазана года восемьсот девяносто девятого я стал государем области Ферганы на двенадцатом году жизни», деб бошланади¹¹.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларидаги Қуръони карим оятлари ва ҳадиси шарифлар ҳақида тўлароқ маълумот олишни истаганлар қуйидаги рисолага мурожаат этишлари мумкин: Ҳасанов С., Рустамхўжаев Ш.Ш. «Бобурнома» нашрларидаги арабий истилоҳлар таҳлили / Бош муҳаррир ЎзФА академиги Н. Иброҳимов. Тошкент, 2010, 191 б.

⁸ «Шарқ». – Б. 5.

⁹ Ф. Исҳоков, «Бобурнома» – йирик маънавий бойлик»/ «Андижоннома», 2001 йил 4 август. – Б. 3.

¹⁰ «Юлдузча»: – Б. 5.; Т.: Шарқ: (1 а, 1 б).

¹¹ «Бабур-наме»: 1 б.